ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ
O'K.U.F. F.T.U.U.

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

2006 йил 27 сентябр, чоршанба № 158 (2207)

Ушбу сонда:

2 БИР МАРТАЛИК ХАТО...
3 БАЙРАМ ТАБРИКЛАРИ
4 КИТОБДАН ЯХШИ ДЎСТ ЙЎҚДИР



«Косон махсус йўл хўжалик пудрат таъмирлаш-фойдаланиш» корхонаси жамоаси йўлларимизнинг кўркам ва ровон бўлишида ибратли ишларни амалга оширмоқдалар. Айни пайтда шаҳарда 2 миллиард 170 миллион сўмлик йўл қуриш ва таъмирлаш ишлари олиб борилди.

**Суратларда: механик Миркомил Саидов ва ишчи Зойир Мирзаевлар; қурилишдан лавҳа.**

**С.ШАВКАТОВ олган суратлар.**



***Сурхондарё вилоят халқ таълими тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳақида гап кетса, биринчи навбатда Сариосиё тумани тилга олинади. Бу бежиз эмас. Чунки туман мактабларида таълим-тарбия кўраётган ёшлар илмга чанқоқлиги ва изланувчанлиги билан тенгдошларига ўрнак бўлмоқдалар. 2003-2004 ўқув йилида туман мактаблари битирувчиларининг 218 нафари, 2004-2005 ўқув йилида эса 286 нафари олий ўқув юртларининг талабаси бўлди.***

# МУАММОЛАР ЕЧИМИНИ ТОПГАН ЖОЙДА

## натижа ҳам кўнгилдагидек бўлади

Соҳа вакилларининг эътирофича, бу вилоят бўйича энг юқори кўрсаткичдир. «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури» бўйича ҳам туманда қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурига кўра 2005 йил давомида туман марказидан анча олисда жойлашган тоғли Хуфар ва Нилу қишлоқларидаги 8- ҳамда 15-ўрта мактаблар (220 ва 180 ўринли) капитал таъмирланди. Жорий йилда 3 та мактаб биноси қайтадан қурилмоқда.

Мустақиллик берган имкониятни қарангки, бугун олис тоғ қишлоқларидаги, дейлик ўша Хуфар ва Нилудаги мактабларнинг ўқувчилари компьютер техникаси билан ишлашни шаҳардаги болалардан кам билишмайди.

Авваллари, аксарият мактабларимизда физика, кимё, биология фанларига нисбатан ўқувчиларнинг қизиқиши сустроқ эди. Бунинг биринчи сабаби, ушбу фанларнинг мураккаблиги бўлса, иккинчиси, дарслар зерикарли ўтиларди. Негаки, мактаблардаги лаборатория жиҳозлари эскирган, бори ҳам йўқолиб кетганди. Натижада дарслар лаборатория жиҳозларисиз, шунчаки қуруқ суҳбат тарзида ўтказилган. Бугунги кунда бундай муаммолар ўз ечимини топди.

Дарслик ўқувчи билимини оширишда асосий манба ҳисобланади. Мактаб ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлашнинг ижара тизими изчил амалга оширилаётгани туфайли 310 минг нусхадан ортиқ дарслик ўқувчилар қўлига ўз вақтида етказилди. Бу муҳим вазифага саховатпеша инсонлар, ота-оналар, қолаверса ҳомий ташкилотлар ўз ҳиссасини қўшмоқдалар. Уларнинг кўмаги билан ўтган ўқув йилида 146 минг нусхадан кўпроқ дарсликлар харид қилинди. Бундан ташқари, вилоят «Ўқув таълим таъминоти» корхонаси орқали 82,7 минг нусха дарслик ҳамда 1613 нусха услубий қўлланмалар, шунингдек, кутубхоналар фонди учун 9,1 минг нусхадан зиёдроқ ҳар хил дарсликлар мактаб кутубхоналарига етказилди.

Бугунги кунда, туманимизда педагог кадрларни замон талабларига мос тарзда қайта тайёрлаш, малакасини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Халқ таълими вазирлиги томонидан ташкил қилинган «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловининг вилоят босқичида туманимиздан 4 нафар илғор ва тажрибали муаллим иштирок этди. Улар вилоят босқичида ғолиб бўлишиб, республика босқичида ҳам муносиб ўринларни эгаллашди.

Узлуксиз таълим тизимидаги асосий масалалардан бири, бу таълим муассасаларини кадрлар билан таъминлашдир. Бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирлар самараси ўлароқ ижобий ўзгаришларга эришилмоқда. Бугунги кунда шогирдларимизнинг 515 нафари олий ўқув юртларида педагогик йўналиш бўйича таҳсил олишаяпти. Ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантиришга доир Президент қароридан сўнг тижорат ва бошқа ишларга кетиб қолган ўқитувчилар яна мактабига қайтишди.

Туманимиз мактаб ва ўқув муассасаларида спортга ҳамиша биринчи даражали вазифа сифатида эътибор берилади. Ўқувчи ёшларимиз туман, вилоят ва республика мусобақаларида фаол иштирок этишади. «Умид ниҳоллари — 2006» мусобақаларининг республика босқичида 8 нафар ўғил-қизларимиз қатнашди.

Деярли ҳамма мактабларда волейбол, футбол, баскетбол, гандбол ўйинларини ўтказиш учун спорт майдончалари мавжуд. Охунбобоев номли ширкат хўжалигининг «Янги ҳаёт» маҳалласи ҳудудида барпо қилинган болалар спорти мажмуаси фаолияти барча-барчани хушнуд этмоқда. Махсус футбол мактаб-интернатида 200 нафарга яқин ўқувчиларга футбол ва миллий кураш сирлари ўргатиб келинаяпти. Айни пайтда 5 та умумтаълим мактабида спорт зали барпо этилаяпти. 1-ўрта мактабда қизларни бадиий гимнастика билан мунтазам шуғуллантириш ниятида мавжуд спорт зали тўлиқ таъмирдан чиқарилди ҳамда ҳомийлар кўмаги билан спорт гимнастикаси учун 27 турдаги анжомлар олиб келинди.

**А.БОБОЕВ,**
**Сариосиё туман ХТБ мудири,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими**

## Хабарлар

# ТОШКЕНТ – ЯНА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ МЕЗБОНИ

Юртимиз ҳар йили кўплаб нуфузли спорт мусобақаларига мезбонлик қилади. Бундай тадбирларнинг юқори савияда ташкил этилиши Ўзбекистонни жаҳон ҳамжамиятига йирик спорт марказларидан бири сифатида танитди. Халқаро самбо федерацияси мамлакатимизнинг йирик анжуманларни ташкил этиш борасидаги бой тажрибаси ва имкониятларини инобатга олиб, Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан ҳамкорликда жанговар самбо ва фахрийлар ўртасида самбо бўйича жаҳон чемпионатини Тошкент шаҳрида ўтказишга қарор қилди.

Жорий йилнинг 29 сентябр - 3 октябр кунлари пойтахтимиздаги «Жар» спорт мажмуида ўтказиладиган ушбу чемпионатда дунёнинг ўттиз уч мамлакатидан тўрт юз нафар энг сара самбо устаси ғолиблик учун куч синашади.

Жаҳон чемпионатида жанговар самбо бўйича юртимиз шарафини тўққиз нафар спортчимиз ҳимоя қилса, фахрийлар ўртасидаги беллашувларда олти спортчимиз гиламга чиқади.

Айтиш жоизки, мазкур мусобақага ҳамюртларимиз пухта тайёргарлик кўрди. Жанговар самбо бўйича ўтказилган мамлакат чемпионатида энг кучли самбочилар саралаб олинди. Терма жамоамиз аъзолари 2 сентябр куни Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида ўтказилган Осиё чемпионатида муваффақиятли қатнашди. Икки нафар самбочимиз қитъа чемпионлигини қўлга киритди.

# МЕДАЛЛАР ШОДАСИ БИЛАН

Ўзбек бокс мактаби тарбияланувчиларининг жаҳон рингларида кўрсатаётган натижалари мақтовга лойиқ. Бу фикримиз Германияда ўтган бокс бўйича ҳарбийлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида ҳам ўз тасдиғини топди.

Уйғун Сиддиқов ва Шароф Худойбердиевларнинг шогирдлари ушбу нуфузли мусобақада 6 та медални қўлга киритди. Иқтидорли боксчилар Дилшод Маҳмудов ҳамда Элшод Расуловлар ўз вазнларида чемпионликка эришган бўлса, Шерзод Ҳусанов (69 кг) ва Жасур Матчонов (91 кг) кумуш медалга сазовор бўлишди.

Яна икки нафар боксчимиз Беҳзод Хидиров ва Шерзод Абдураҳмоновлар ўз вазнларида бронза медали билан тақдирланишди.

# ЗЕЙТУЛЛАЕВ ТЕРМА ЖАМОАГА ҚАЙТДИ

Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи Валерий Непомняший Осиё чемпионати саралаш баҳсларининг кейинги турларига тайёргарлик кўрадиган 29 нафар футболчи номини эълон қилди. Бу ҳақда ЎФФ интернет сайтида маълум қилинган. Рўйхатда Италия чемпионати "В" серияси "Женоа" клубида тўп сураётган иқтидорли ярим ҳимоячи Илёс Зейтуллаев ҳам бор. Вакилларимизнинг ушбу саралаш баҳсларида анча ноқулай аҳволга тушиб қолганлиги туфайли, мураббий Илёснинг кўмагига кўз тикаётган бўлса, ажабмас.

**Ўз мухбиримиз**

## 1 октябр — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни

# ҲАР ҚАЛБДА ҲУРРИЯТ ШАВҚИ

***Ўзбек санъатининг тарихи жуда узоқ даврларга бориб тақалади. Қадимги қабрларнинг биридан аёл устухонлари, ёнида турли тақинчоқлар ва ғаройиб най сози топилган. Аниқланишича, бу нарсалар бронза даврига оид бўлиб, уларнинг ёши салкам беш минг йил деб белгиланган. Ушбу топилма Самарқанддаги Республика маданият ва санъат музейида сақланмоқда. Кўҳна Хоразмнинг Қўйқирилган қалъасидан топилган сопол идиш бўлагидаги тасвирда эса ҳордиқ чиқараётган шох ва унинг орқа томонида чилтор (арфа) созини чалаётган машшоқ аёлнинг бармоқлари акс этган. Манбалардан биламизки, кўҳна Юнонистонда беморларни мусиқа билан даволашга уринишган.***



Пифагор ва Арасту мусиқанинг даволаш усуллари ҳақида асарлар ҳам ёзиб қолдиришган. Созларни моҳирона чала билган Абдураҳмон Жомий мусиқа назариясига асос солганидан хабардормиз. Бу зот Навоийнинг илтимосига кўра мусиқа ҳақида асар ёзиб, унда куй-қўшиқнинг, айниқса, мақомларнинг инсон руҳига жуда чуқур таъсир қилишини исботлаб берган. Арасту ҳам бу борада сўз юритиб, «Мусиқа кўнгилга ахлоқан муайян таъсир кўрсатиш қудратига эга, у ёшларни тарбиялаш қўлланмалари қаторига қўйилмоғи лозим», дея ўз тавсиясини ёзиб қолдирган.

Истиқлол йилларида ўзбек санъати ўз қадимий илдизларидан узилмаган ҳолда янгича йўналишда ривож топиб, дунё мамлакатлари эътиборини тортди. Эндиликда бу соҳада иқтидорли ва талантли ёшлар тобора кўпаймоқда. Демак, шу соҳа равнақи йўлида хизмат қилаётган устоз ва мураббийларнинг зиммасидаги масъулият ҳисси икки-уч бараварга ортган. Наманган вилоят ҳокимлиги ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармасига қарашли Санъат коллежи педагогик жамоаси ҳам ишга чуқур масъулият билан ёндошмоқда. Фарғона водийсида илк маротаба очилган ва узоқ йиллик тарихга эга бўлган ушбу илм даргоҳининг биринчи қалдирғочлари юртимизда нуфузли кишилар сифатида танилган. Ўзбекистон Миллий Консерваторияси профессорлари — К. Азимов, А. Жабборовлар, Қозон Драма театри бош директори Ф. Абубакиров, Алмати Консерваторияси профессори Ю. Кулушкан, Минск Консерваторияси ўқитувчиси О. Ойстрах, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист А. Султонов, Тошкент Маданият коллежи директори П. Деҳқоновлар бизнинг коллежимизда таҳсил олишган.

Анъаналарга содиқ қолган ҳолда иш юритиб, коллежни салоҳиятли кадрлар билан таъминлаганмиз. Ярим мингга яқин ўқувчиларимизга юздан ошиқ малакали мутахассислар ва педагоглар сабоқ беришади. Улар орасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи К. Назаров, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими З. Цурикова, ҳукуматимизнинг орден ва медалларига сазовор бўлган кўплаб ўқитувчилар, халқ таълими аълочилари бор. Уларнинг ҳар бири ўз соҳасининг етук билимдонлари бўлиш баробарида туну кун ўз устларида тиним билмай ишлашади. Негаки, давр янгиланмоқда, кун сайин янги-янги ахборотларга эга бўлаяпмиз, теварак-атрофимизда улкан ўзгаришлар, янгиликлар рўй бераётир. Шундай экан, биз ҳам ишимизда катта силжишларга эришишимиз шарт. Зеро, муҳтарам Президентимиз ҳам «...Таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб, онгни ўзгартириб бўлмайди. Онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб эса биз кўзлаган олий мақсад — озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди», деган эдилар.

Педагогларимиздан аксарияти чет элларда малакаларини ошириб қайтишган. Уларнинг барчаси замонавий инновацион педагогик технологиялар асосида дарс ўтиб, семинар-тренинг машғулотлари олиб боришади. Ўтган йиллар мобайнида коллеж биноси тўлиқ қайта таъмирланди. Икки қаватли Хореография биноси, талабалар ошхонаси қуриб битказилди. Барча ўқув хоналари, концерт заллари замонавий жиҳозланган. Фан тўгараклари мунтазам ишлаб турибди. Бадиий ўқиш, муомала одоби, жамоа орасида ўзини тутиш, ички ва ташқи қиёфа устида ишлаш, ҳуқуқий тамойиллар, иқтисодни юритиш, асар моҳиятини англаш, саломатлик сирлари каби турли мавзуларда тез-тез суҳбатлар ўтказилади. Асосий фанлар бўйича қўшимча дарслар, семинарлар амалий машғулотлар билан қўшиб олиб борилади. Ўқувчиларимиз турли кўрик-танловларда қатнашишиб, ўз билимларини синовдан ўтказадилар. Масалан, ўтган ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ўтказилган республика ёш ижрочилар кўрик-танловида коллежимиз толиби К. Йўлдошев қашқар рубобида маҳорат билан куй чалиб, совринли ўринни эгаллади. Шунингдек, ушбу кўрик-танловда ўқувчиларимиздан М. Алимова эстрада хонандалиги бўйича, О. Абдубоев қўғирчоқ театри актёрлиги бўйича, Э. Ибулисова халқ рақси ижрочилиги бўйича фахрли ўринларни эгаллаб, мукофот соҳибига айланишди.

Коллежда ҳар йили битирувчилар билан мулоқотлар уюштирилиб, уларнинг келгусида ўқишни давом эттиришлари ёки меҳнат билан банд бўлишлари учун зарур маслаҳатлар берилади.

Маълумки, миллий маданиятимизда мусиқа санъати катта ўринни эгаллайди. Бизга мерос қолган бой маънавий меросни тўла ўзлаштириш ва келгуси авлодларга етказиб бериш ҳар биримизнинг зиммамиздаги масъулиятли вазифа саналади. Ўзбек санъатининг сирларини ипидан игнасигача ёшларга ўргатиш, миллий санъатимизни дунёга олиб чиқиш йўлида салмоқли хизматларни амалга ошириш ягона мақсадимиздир. Қалбларимиздаги ҳуррият шавқи бугун бизни янада иштиёқ билан меҳнат қилишга даъват этмоқда.

**Нортожи ЮСУПОВА,**
**Наманган Санъат коллежи директори,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси**

## Мустақиллик ва конституциявий ҳуқуқ ҳимоясида

***Ҳадемай озод ватанимизнинг Бош Қомуси қабул қилинганлигининг 14 йиллигини умумхалқ байрами сифатида нишонлаймиз. Зеро, унинг муқаддимасида инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқлик, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари устунлиги ҳамда фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечиришларини, тинчлиги ва миллий тотувликни таъминлаш бош вазифалардан бири қилиб белгиланган.***

# ОЧИҚ МУЛОҚОТЛАР САМАРА БЕРАЯПТИ

«Авваламбор бу Конституция ўзининг туб моҳияти, фалсафаси, ғоясига кўра янги ҳужжатдир, — деган эди Юртбошимиз. — Унда коммунистик мафкура, синфийлик, партиявийликдан асар ҳам йўқ. Жамийки дунёвий неъматлар орасида энг улуғи — инсон деган фикрни илгари сурдик ва шу асосда «фуқаро — жамият — давлат» ўртасидаги ўзаро муносабатнинг оқилона ҳуқуқий ечимини топишга интилдик».

Қайд қилинган фикрларнинг яққол далили сифатида туманимизда ҳам фуқароларнинг Конституциявий ҳуқуқ ва бурчларини ҳимоя қилиш, қонунчиликни таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар кўлами кенг шаклланмоқда.

Туман прокуратураси томонидан жорий йилнинг ўтган даврида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилишда 37 та, қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунлар ижроси юзасидан 22 дан ортиқ текширишлар ўтказилиб, 700 дан зиёд прокурор таъсир чоралари қўлланилди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар Конституция ва шундан келиб чиққан қонунлар асосида юкланган вазифаларни ҳамкорликда бажара бориб, ўтган 8 ой давомида 146 та турли жиноятларни аниқлади. Шунингдек, фуқароларнинг Конституция билан кафолатланган шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, сиёсий ҳуқуқлари билан бир қаторда иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини таъминлаш чоралари ҳам мунтазам кўриб борилмоқда. Айниқса, вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ижтимоий ҳимоясига йўғрилган талабларнинг қатъий бажарилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида 2 ва 16 ёшгача болалар, ёлғиз кексалар, кам таъминланган оилаларга тўланадиган нафақа, пенсия ва ижтимоий ёрдамнинг бошқа турлари ўз вақтида берилишини таъминлашда амалий чоралар кўрилиб, вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси юзасидан 20 дан ортиқ текширишлар ўтказилди. Аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 260 дан ортиқ прокурор назорат чоралари қўлланилиб, улардан 3 тасига жиноят иши қўзғатилди. Ўз вақтида тўланмаган 7,5 миллион сўмдан ортиқ нафақаларни ундириш юзасидан судларга 48 та даъво аризалар киритилди.

Шундай бўлса-да, мансабини суиистеъмол қилиб, амалдаги қонунларга риоя этмасдан муҳтожлар ризқига хиёнат қилаётганлар, афсуски, учраб турибди. Масалан, туман ижтимоий таъминот бўлими тўлов ҳисобчиси Фахриддин Раҳимов почта-алоқа бўлими хабарчилари О. Шамшиев, О. Аҳмедов, М. Исоқов ва А. Ўлмасовлар билан жиноий тил бириктирган. Улар ҳужжатларни қалбакилаштириш йўли билан давлат томонидан пенсия ва нафақадорларга ажратилган 6 миллион 446 минг сўм маблағни бир неча ой давомида ўзлаштириб келишган.

Ёки туман халқ таълими бўлими тасарруфидаги 14-ўрта мактаб директори Б. Хушмирзаев ҳам бировлар ҳақига хиёнат қилишда ҳеч нарсадан тап тортмаслиги, мавжуд қонунларга беписандларча қарашлиги текширишлар жараёнида аниқланди: у илмий ишлар бўлими мудири, бош ҳисобчи ва ғазначи билан хуфёна тил бириктириб, ўқитувчиларнинг 1 миллион 795 минг сўм пулларини талон-торож қилишга бош бўлган. Ушбу ишлар бўйича тегишли чора-тадбирлар қўлланилиб, айбдорлар қилмишига яраша жазога тортилди.

Аммо бир нарса кишини ўйлантиради: фуқароларнинг эркин ва ҳалол ишлаши ҳамда бошқа ҳуқуқлари Конституциямизда кафолатланганига қарамай, юқорида қайд этилган ҳолатларнинг учраб туриши баъзи кишиларнинг тўғридан-тўғри мансабини суиистеъмол қилишидан, тарғибот ишлари мунтазам равишда олиб борилмаганлигидан далолат беради.

Текширув ва таҳлиллардан келиб чиқиб ҳуқуқ-тартибот идоралари мутасаддилари билан ҳамкорликда «Қомусимиз — номусимиз», «Таълим тўғрисида»ги қонунни ўрганамиз», «Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга», «Конституция, мен, ҳуқуқ ва бурчим» мавзуларда семинар-кенгашлар, маҳалла, корхона ва ташкилотларда учрашувлар ўтказилаяпти. Ҳудуддаги мавжуд 3 та коллеж, 3 та лицей, 48 та ўрта мактаб, 61 та маҳалла ҳамда 10 та фуқаролар йиғинида ҳар куни ана шу борадаги тарғибот ишлари ва ўқув-машғулотлари шакллантирилди.

Самараси ёмон эмас. Агар таққослаб кўрилса, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ноқонуний ҳаракатлар ва турли жиноятчилик, ёшлар ўртасидаги қонунбузарлик ҳолатлари икки бараварга камайди. Шунингдек, корхона ва ташкилотларда меҳнат қонунлари бандларининг бузилиши, иш ҳақидан қарздорлик, ноқонуний ишдан бўшатишлар ҳам барҳам топаяпти.

Бундан ташқари, фуқаролар йиғини, маҳалла раислари билан ҳамкорликда барча қишлоқларнинг паспорти ишлаб чиқилди. Унда маҳалла хонадонларида қанча киши яшайди, ёши, иш жойи, касби, вақтинчалик бекор бўлса, қаерда, нима юмуш билан бандлиги ўз ифодасини топган. Афзаллиги шундаки, зарур пайтда ким қаерда юрганини дарҳол ана шу маҳалла паспорти орқали аниқлаштириш осон кечаяпти.

Яна бир муҳим жиҳати: фуқаролар билан очиқ мулоқот, учрашув, савол-жавоблар жараёнида уларнинг қонунларимиз ва меъёрий ҳужжатларни пухта билмаслиги сезилиб қолаяпти. Шу сабабли барча маҳаллалар йиғинида алоҳида хоналар ташкил этилиб, зарур китоблар ҳамда қўлланмалар тарқатилди. Одамлар меҳнатдан сўнг бўш вақтларида бу ерга келиб, ўзларини қизиқтирган ҳужжатларни ўрганишаяпти. Бу борада ҳали қилиниши лозим бўлган ишлар ва истиқболли режалар жуда кўп. Муҳими, фуқаролар ҳам ҳар бир ишга қонунда белгиланган доирада ёндошса панд емасликларини англаб етишмоқда. Қонунлар устуворлигини таъминлашда бундай тадбирларнинг самараси зое кетмаслиги шубҳасиз.

**Ғайратжон АТАХАНОВ,**
**Избоскан тумани прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси**
**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# ЎЗБЕКИСТОН ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ

## КАСАБА УЮШМАСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

**Ўқитувчилар ва мураббийларни касб байрамлари билан самимий муборакбод этади!**



*Миллатимиз равнақи, юртимизда эркин ва фаровон ҳаёт қуриш, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиши йўлида қилаётган машаққатли, аммо шарафли ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз. Фарзандларингиз, шогирдларингиз камолини берсин, уларнинг бахту саодатини кўриш насиб этсин!*

# ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ

## Касаба уюшмаси Сурхондарё вилояти кенгаши

***Азиз устозларимизни 1 октябр — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан табриклайди.***





***Келажагимиз ворислари — ёш авлодни тарбиялашдек масъулиятли ва шарафли ишингизда муваффақиятлар ёр бўлсин!***

